Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● 12 сентябрь 1969 йил, жума ● № 213 (14.376). ● Баҳоси 2 тийин.

СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин билан ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Чжоу Энь-лайнинг Пекинда учрашуви

Ўзаро келишиб олинганига мувофиқ 1969 йил 11 сентябрда Пекинда Вьетнам Демократик Республикасидан Москвага қайтиб келаётган СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин билан ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Чжоу Энь-лайнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳар икки томон ўз позицияларини ошкора тушунтириб бердилар ва ҳар икки томон учун фойдали суҳбат ўтказдилар.

Учрашувда Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. А. Яснов қатнашдилар.

Учрашувда Хитой томонидан ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Ли Сянь-нянь ва ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Се Фу-чжи қатнашдилар.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШИНИ ЯНАДА АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўрток Ш. Р. Рашидовнинг «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан республика партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини янада авж олдириш тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қайд қиладики, республика партия ташкилотлари хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлигининг услуб ва методларини такомиллаштириш, меҳнаткашларни Ленин юбилейи шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш юзасидан каттагина ишларни амалга оширмоқдалар.

Беш йилликнинг ўтган уч йилида Ўзбекистон саноати пландан ташқари 240 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу йилнинг 8 ойлик плани бажарилди. Энергетика, машинасозлик, газ ва химия саноати, рангли металлургия тез суръатлар билан ривожланмоқда. Енгил, озиқ-овқат саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари янада ривожланди.

Республика корхоналарида резервларнинг ленинча кўрсатмасини ўтказиш ва беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг ташаббуси кенг қанот ёйди. Бу ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган эди. «Ташавтомаш» заводи, Чирчиқ электр химия комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмаси ва бошқа кўпгина корхоналарнинг партия ташкилотлари дохиянинг тарихий юбилейини муносиб кутиб олиш учун меҳнаткашларнинг мусобақасини моҳирлик билан йўлга қўймоқдалар.

Қурувчилар ва монтажчиларнинг кўп минг кишилик армияси олинган юксак мажбуриятларни бажариш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқда. Улар шу йилнинг саккиз ойи ичида 450 миллион сўмлик асосий фондларни фойдаланишга топширдилар, бир миллиард сўмликдан ортиқ капитал маблағларни ўзлаштирдилар.

Республика транспорт ва алоқа корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг уч йили давлат планларини ва олинган социалистик мажбуриятларни бажардилар.

Қишлоқ хўжалигини, айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни юксалтириш каттагина муваффақиятларга эришилди. 1966-1968 йилларда давлатга 12 миллион 138 минг тонна ёки шундан илгариги уч йилдагига нисбатан 874 минг тонна кўп пахта сотилди. Республика пахтакорлари жуда мураккаб об-ҳаво шароитида бу йил ҳамма жойда мўл ҳосил етиштирдилар, пахтани териш ва топшириш кириштирдилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам яхши ривожланяпти, галлакорлар давлатга дон сотиш ва топшириш беш йиллик планини ошириб бажардилар. Беш йилликнинг уч йили мобайнида шундан илгариги уч йилдагига нисбатан шоли етиштириш 1,5 баравар, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти — 42 процент, мева ва узум — 17 процент, сут — 682 минг тонна, тухум — 291 миллион дона, қоракўл тери — 524 минг дона ва пилла 48 минг центнер кўпайди. Гўшт, сут, тухум тайёрлаш планлари бажарилмоқда.

Сув хўжалиги қурилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш янада ривожланди. Уч йил ичида давлат ва кооператив савдоси товар оборотн 34 процент кўпайди. Аҳолига тўйимли маҳсулотлар, юқори сифатли кийим-кечак, пойафзал, мебель, маданий-маиший ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган товарлар сотиш кўпайди. Умумий овқатланиш корхоналарининг тармоғи кенгайди. Маиший хизмат кўрсатиш миқёси ўсди. Шаҳар ва қишлоқларнинг ободончилиги ва санитария ҳолати яхшиланмоқда.

Бутун совет халқи қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақа натижаларини якунлаш тартиби ва қоидаларни рағбатлантириш тадбирлари ҳақидаги қарорини зўр қизиқиш билан қарши олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қайд қиладики, КПСС XXIII съезди қарорларини актив ва изчил амалга ошириш республика партия ташкилотларининг аҳд қилганлигини таъкидлади. Совет Иттифоқи Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти билан Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг 10 банддан иборат батафсил программасини қўллаб-қувватлайди. Қўшма Штатлардан Вьетнамдаги агрессив урушни тўхтатишни, АҚШ ва унинг гумашталарининг ҳамма қўшинлари жанубий Вьетнамдан сўзсиз олиб чиқиб кетилишини қатъий талаб қилади. Қўшма Штатлар Вьетнам халқининг асосий миллий ҳуқуқини ҳурмат қилмоғи ва Жанубий Вьетнам аҳолисига ўз ишларини четдан ҳеч ким аралашмаган ҳолда ўзи ҳал қилиш имкониятини бермоғи керак.

Вьетнамлик ўрток лар, дейилади ахборотда, мамлакатни қутқариш учун, Америка империалистларига қарши курашда Вьетнам халқи эришган катта галабалар тўғрисида ахборот бердилар.

Вьетнам раҳбарлари Америка агрессорларига қарши, мамлакатни қутқариш учун курашда, шунингдек Вьетнам Демократик Республикасида социализм қурилиши учун курашда Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам бериб келган ва ёрдам бераётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ҳукумати ва халқига қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Минни дафн этиш маросимларида ҳозир бўлмоқ учун келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси 6 сентябрдан 10 сентябргача Вьетнам Демократик Республикасида бўлди.

Шу муносабат билан эълон қилинган ахборотда, жумладан, айтилдики, партия-ҳукумат делегацияси ВДРда бўлган чоғида Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикасининг раҳбарлари билан самимий учрашувлар ўтказди.

Партия-ҳукумат делегацияси Коммунистик партия ва Совет ҳукумати коммунистик қурилиш соҳасида ўтказаётган тадбирлар тўғрисида, шунингдек СССРнинг ташқи сиёсий ҳаракатлари тўғрисида вьетнамлик ўртоқларга ахборот берди.

Партия-ҳукумат делегацияси Америка империалистлари Вьетнам халқига қарши бошлаган агрессив урушни қатъий қоралади ҳамда курашда, Шимолий Вьетнамда социализм қурилишида, жанубий озод этишда ва Ватанни тинч йўл билан бирлаштиришда Вьетнам халқига зарур ёрдам ва мадад кўрсатишни давом эттиришга ваъда берди.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Минни дафн этиш маросимида қатнашганларидан сўнг Ханойдан қайтиб келаётган бир қанча мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари ва коммунистик партияларнинг делегациялари 11 сентябрга ўтар кечаси Тошкентга келдилар.

Тошкентга келган делегациялар орасида Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ж. Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси делегацияси; Венгрия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. Фехер бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси делегацияси; Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Бирлашган Социалистик партияси Франкфурт-Одер округ комитетининг биринчи секретари Э. Мюккенбергер бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегацияси; Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг секретари Д. Моломжамц бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси делегацияси; Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси касаба союзлари Марказий Советининг Раиси И. Лога-Совиньский бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси делегацияси; Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Словакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси П. Цолотка бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегацияси; Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Ф. Бийу бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси делегацияси; партиянинг Бош секретари Ж. Голлан бошчилигидаги Буюк Британия Коммунистик партиясининг делегацияси; партия Бош секретарининг ўринбосари Э. Берлингуэр бошчилигидаги Италия Коммунистик партияси делегацияси; партиянинг Бош секретари Г. Холл бошчилигидаги АҚШ Коммунистик партияси делегацияси; партиянинг Бош секретари П. Вержес бошчилигидаги Рекньон Коммунистик партияси делегацияси бор эди.

Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Нгуен Тхо Тян ҳам шу самолётда келди.

Келган кишиларни аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусаханов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк кутиб олдилар.

Чет мамлакатларнинг партия ва давлат арбоблари бироздам олганларидан кейин Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВДРДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

ХАНОЙ, 10 сентябрь. (ТАСС) Ўрток Хо Ши Минни дафн этиш маросимларида ҳозир бўлмоқ учун келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси 6 сентябрдан 10 сентябргача Вьетнам Демократик Республикасида бўлди.

Шу муносабат билан эълон қилинган ахборотда, жумладан, айтилдики, партия-ҳукумат делегацияси ВДРда бўлган чоғида Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикасининг раҳбарлари билан самимий учрашувлар ўтказди.

Партия-ҳукумат делегацияси Коммунистик партия ва Совет ҳукумати коммунистик қурилиш соҳасида ўтказаётган тадбирлар тўғрисида, шунингдек СССРнинг ташқи сиёсий ҳаракатлари тўғрисида вьетнамлик ўртоқларга ахборот берди.

Партия-ҳукумат делегацияси Америка империалистлари Вьетнам халқига қарши бошлаган агрессив урушни қатъий қоралади ҳамда курашда, Шимолий Вьетнамда социализм қурилишида, жанубий озод этишда ва Ватанни тинч йўл билан бирлаштиришда Вьетнам халқига зарур ёрдам ва мадад кўрсатишни давом эттиришга ваъда берди.

ХАНОЙДАН ҚАЙТА ТУРИБ

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Минни дафн этиш маросимида қатнашганларидан сўнг Ханойдан қайтиб келаётган бир қанча мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари ва коммунистик партияларнинг делегациялари 11 сентябрга ўтар кечаси Тошкентга келдилар.

Тошкентга келган делегациялар орасида Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ж. Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси делегацияси; Венгрия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. Фехер бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси делегацияси; Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Бирлашган Социалистик партияси Франкфурт-Одер округ комитетининг биринчи секретари Э. Мюккенбергер бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегацияси; Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг секретари Д. Моломжамц бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси делегацияси; Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси касаба союзлари Марказий Советининг Раиси И. Лога-Совиньский бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси делегацияси; Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Словакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси П. Цолотка бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегацияси; Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Ф. Бийу бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси делегацияси; партиянинг Бош секретари Ж. Голлан бошчилигидаги Буюк Британия Коммунистик партиясининг делегацияси; партия Бош секретарининг ўринбосари Э. Берлингуэр бошчилигидаги Италия Коммунистик партияси делегацияси; партиянинг Бош секретари Г. Холл бошчилигидаги АҚШ Коммунистик партияси делегацияси; партиянинг Бош секретари П. Вержес бошчилигидаги Рекньон Коммунистик партияси делегацияси бор эди.

Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Нгуен Тхо Тян ҳам шу самолётда келди.

Келган кишиларни аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусаханов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк кутиб олдилар.

Чет мамлакатларнинг партия ва давлат арбоблари бироздам олганларидан кейин Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

ГЎШТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

УЧҚЎРҒОН, ИШТИҲОН, ОҚДАРЁ РАЙОНЛАРИ ГЎШТ ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР.

Наманган область Учқўрғон райони меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Шу кунга қадар 1086 тонна гўшт топширилди.

* * *

Самарқанд областидаги Иштихон райони чорвадорлари давлатга гўшт топириш йиллик планнинг ошириб бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Фрунзе номли, Навоий номли, «8-март», Энгельс номли колхозлар гўшт сотиш бўйича ўз уставларига олган мажбуриятларини ҳам муваффаниятли адо этишди.

Район хўжаликлари ўтган йилдагига қараганда 242 тонна кўп гўшт топириб, яна камида 170 тонна гўшт сотишга аҳд-паймон қилдилар.

* * *

Самарқанд областидаги Оқдарё райони меҳнаткашлари ҳам катта галабани қўлга киритди. Давлатга гўшт топириш йиллик плани район бўйича 102 процентдан ошиб кетди.

Район хўжаликларида кўшимча равишда гўшт сотиш давом этмоқда.

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

Қашқадарё пахтазорларида ҳаёт янада марм ура бошлади. Чироқчи, Яккабоғ, Қамаши ва Китоб районларида ғўза баргларини сунъий усулда тўктиришга киришилди.

Авиаторлар икки ҳафта давомида 135 минг гектар майдондаги ғўзаларга дори сепиши керак. Шундан 45 минг гектар майдонга иккинчи марта дори сепилади. Далаларни машина теримига тайёрлаш учун учувчилар кўрсатаётган хизмат бебаҳодир.

ЛЕНИНЧА ЛЕКТОРИЙ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ишлаб турган Ленинча лекторийда 11 сентябрь куни навбатдаги лекция ўқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин «Социалистик индустриалштириш ленинча программаси ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиши» тўғрисида лекция ўқиди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

КОЛЛЕКТИВ ФИКРИ

Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси Қўқондагина эмас, балки республика енгил саноати корхоналари ўртасида ҳам йирик коллективлардан ҳисобланади. Тикувчилар удуг доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида зўр ғайрат билан ишлаётирлар. Етти ойлик план маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича 105,9 процент қилиб бажарилди. Плондан ташқари 599 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш юзасидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Фабрика коллективи шу йилнинг иккинчи кварталида республика енгил саноат корхоналари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада 2- ўринни эгаллаш ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Тикувчилар москвалик тўқувчи Мария Иванникова ташаббусига қўшилиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги кунида фақат иқтисод қилинган материаллар ҳисобига ишлашга аҳд қилишди. Шу мақсадда 8 минг квадрат метр газлама иқтисод қилинади ва қўшимча равишда 4000 дона сифатли кўйлак ишлаб чиқарилади.

Тикувчиларнинг меҳнат эгфарларида коллектив ўртасида партиявий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг намунали йўлга қўйилганлиги ҳамда коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли ошганлиги катта аҳамиятга эга бўлянти. Коммунистлардан М. Холматова, С. Қобилов, А. Саврасова ўртоқлар раҳбарлик қилаётган 2-, 4- ва 6- цехларнинг коллективлари фабрикада беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Фабрика бошланғич партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия ташкилоти бюросининг секретари И. Турсунов ҳисобот докладида корхона коллективининг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари ҳақида батафсил гапирди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида фабрика коллективи ўртасида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг қўйилиши ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Ҳисобот даврида партия ташкилотларининг йиғилишлари ва партия бюроси мажлислари ўз вақтида ўтказилиб турилди. Уларда фабрика ва цехларда давлат планларининг бажарилиши ҳамда социалистик мусобақага раҳбарлик қилинди. Ҳисобот даврида партия ташкилотларининг йиғилишлари ва партия бюроси мажлислари ўз вақтида ўтказилиб турилди. Уларда фабрика ва цехларда давлат планларининг бажарилиши ҳамда социалистик мусобақага раҳбарлик қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигининг аҳволи, коммунистларнинг сиёсий ўқуви, цех партия ташкилотларининг ишлари савиясини янада юқори даражага кўтаришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланиб, қарор қабул қилинди.

Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишида партия ташкилоти бюросининг янги состави сайланди.

Р. ҲАМДАМОВ.

Чорвоқ сўнгги йилларда эл тилига кўпроқ тушиб қолди. Бу ерда улкан сув омбори ҳамда Чорвоқ ГЭСи жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда. Бу нур манбаи халқ хўжалигимизга мўл-кўл электр энергияси етказиб беради. ГЭС қурилишида доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига партия ва ҳукуматимиз томонидан таъсис этилган ленинча юбилей фахрий ёрлиғи ҳамда медалига мушарраф бўлиш учун авж олдирилган социалистик мусобақага қўшилиб фидокорона тер тўкаётган қурувчилар, монтажчилар муттасил яхши кўрсаткичларни қўрга киритаётирлар. Тоғ қоялари этакларида барпо этилаётган корхона монтажчилари Анатолий Колязин билан Рўзимат Тожиевлар меҳнатда садоқат ва ғайрат намунасини кўрсатишяпти. Улар қурилиш топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этишга мушарраф бўлишаётир. Суратда: Чорвоқ ГЭСи қурилишида жон куйдираётган монтажчилар А. Колязин ва Р. Тожиев ўртоқлар.

В. Сиротчин фотоси.

МАВСУМГА ТАЙЁР!

Сахий куз келиши билан республикамиздаги барча пахта тозалаш заводларида бу йилги пахта қабул қилиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Яқинда биз пойтахтдаги Охунбобоев номли пахта тозалаш заводида бўлганимизда қуйидагиларнинг гувоҳи бўлдик. Заводни капитал ремонт қилишга 28 августда киритилган экан. Шу кунгача заводда чигитдан толани ажратиш ва пресслаш цехлари ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилган. Корхонанинг бошқа цехларида ремонт ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Бош инженер Жўра Хўжаев заводда қилинаётган ишлар билан танишгиси келиб қолиб бизни тозалаш цехига бошлаб кирди. Бу ерда тозалаш цехи кенгайтирилиб, қўшимча батарея қуришга 1968 йилнинг апрель ойида киришилган экан. Қурилаётган «ОПХ-3» пахтани тозалаш машинасини «Узбекхлопкомаш» заводи ишлаб чиқарган. Бу машина ишга тушгач ветган харажатни 11 ойда қоплайди. Иккинчи батареяда «ОПХ-3» машинасининг 5 таси ёнма-ён қурилиб, улар соатига 15 тонна пахтани тозалаб чиқаради. Бир сменада эса 240 тонна пахта тозаланади.

— Бу батареяларда, — дейди бош инженер Ж. Хўжаев, — пахта толаларидаги ҳар хил ғуборлар сифатли тозаланади. Кейин, тозаланган пахта трубалар орқали ажратиш цехига юборилади. Шу ернинг ўзида машиналарда терилган пахтанинг 90-95 процента тозаланиб, сифати анча яхшиланади. Натижада, заводнинг пахтадан тола ажратиш қуввати 1,5 баравар ортади.

Шунингдек корхонада қўшимча батареянинг қурилиши чиқинди пахталарни қайта тозалайдиган жин машинаси сонини анчагина кўпайтириш имконини берди. Қўшимча батарея қошида Боқудаги Мусобеков номли машинасозлик заводи ишлаб чиқарган «6А-12» маркали жин машинаси қурилди. Заводда қўшимча 2 та қуритиш цехи қурилмоқда. Бу цехларнинг ҳар бири бир кечакундузда ўрта ҳисобда 220-230 тонна пахтани қуритиб, тозалаш цехига узатади. Шунингдек заводда қўл кучини янада енгиллаштириш мақсадида тайёр маҳсулотларни узатиш лентаси, той пахталарни кўтарувчи электр механизмлари ўрнатилди.

Ш. ҚУРБОНОВ.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

ДЕҲҚОННИНГ ЯНГИ УЙЛАРИ

Юқоридаги сарлавҳа остида «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган мақолада Булунғур районидаги «Октябрь» колхозида ҳамма қулайликларга эга бўлган данг-гиллама уйлар қурилаётгани ва қишлоқ тобора шаҳар тусига кириб бораётгани ҳикоя қилинган эди. Шунингдек бу хайрли ишга Нарпай районидаги Киров номли колхоз ҳам қўл урди, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 15-трестга бир-ярим миллион сўм пул тўлагани, аммо орадан анча вақт ўтганига қарамай, уйлар ҳали фойдаланишга топширилмагани ёзилган эди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги мақола юзасидан қуйидагиларни хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони»нинг 16 июль сонида «Деҳқоннинг янги уйлари» сарлавҳаси остида берилган мақолада Самарқанд областидаги «Октябрь» ва Киров номли колхозларда қурилишларнинг суст бораётганлиги тўғри кўрсатилган.

Ҳозирги кунда 15-қурилиш тресті ўз ишида кескин бурилиш ясаси, 20 та уй тез кун ичида фойдаланишга топширилади.

УСКУНАЛАР ФАРЁДИ

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Ҳар хил ускуналар тушириладиган шўрвазор майдонни «ваҳима»ли ноталар қоплади:

— Вой дод! Бу зах ерда ётаверириб, адойи-тамом бўлдим-ку! Аъзойи-танам зирқираб-қаҳшаб кетяпти. Бизда ҳам арзиқол сўровчилар бормикан? Нега даминг ичингга тушиб кетди, хой, Японияда келтирилган қўшни?

— Сабр қилсанг ғўраган ҳалво битар, дейишади. Январдан бери қаҳратон қишнинг қору-ёмғирига, жазирама ёзнинг иссиғига чидаш бердинг, энди куз келганда фарёд чекасанми?— жеркиб ташлади Японияда 5750 сўмга харид қилинган реактор аппаратлари. — Ким айтади сени экстракт машинаси деб. Баракалла бизнинг жонимизга. Ичимизга чумолидан тортиб, кўрсичқонларгача ин қўйган бўлса ҳам миқ этмай турибмиз-ку...

— Сенларнинг нархинг бизлардан кўра арзон. Ҳаридоримиз бўлган Тошкент химия-фармацевтика заводи дирекцияси бизни ишлаб чиқаётган Рузаевск химия машинасозлиги заводидан оптитамизни бир йўла 16800 сўмга сотиб олишган. Мана, неча ойларгача бери захга кўсинмизни бериб кутяпмиз, бирор келиб «кимсан, нега бу ерда ётибсан?» демайди.

— Овозингни ўчир! — Дўқ урди реактор аппарати нимадандир ҳаворирлангандек атрофига олазарак боқаркан. — Завод директори Султон Исломбековми, ёки бош инженер Ҳаги-Марк Семёновичми, хуллас корхона раҳбарларидан бирортаси шу сўзларингни эшитиб қолса борми, бу кўриб турган кунинг ҳам ҳолва бўлади.

Аввало, шуни сенга айтайки, бу назарсиз майдонда фақатгина бизлар эмас, сену менга ўхшаш 300 хилдан ошиқ ускуна ташлаб қўйилган. «Масалан» деяпсанми? Мана, эшит! Бизнинг атрофимизда ранги ўчиб, эзиг босиб ётган нарсалар иссиқ ҳарорат етказиб берувчи 10250 сўмлик ҳамда фильтрлаш хусуснятига эга бўлган 6700 сўмлик «ТН-1900» маркали центрифуга агрегатлари ва «ЦНГ-70» маркали 6057 сўмлик электр насослари...

— Нариғоғимизда нега болакайларнинг қийқириғи эшитилаяпти. Тинчликми, ўзи?!

— Болалар «ЭЛГ-250» маркали элеваторлар, Харьков химия заводидан келтирилган конденционерларни миниб «от» қилиб ҳайдашяпти. Қалтанҳўр жонларингга балли-е...

— Ўзингнинг ҳолингга мушуклар йиғлайди-ю, уларга жонинг ачишади-я...

Ҳурматли газетхон, аслида шўрлик ускуналар бу хилда суҳбат қилган бўлмасалар-да, бирок улар аянчли ҳолга ташлаб қўйилганлиги ҳақиқат. Бунинг сабабини билиш мақсадида завод капитал қурилиши бўйича директор Ўринбосари Михаил Степанов билан учрашдим. «Ускуналар» сўзи оғзимиздан чиққанданоқ, унинг юзларига ажин ўйнайди:

— Аввало, бунга биз айбдор эмасмиз. Бош пудратчи ташкилот — бешинчи қурилиш трестига нарашли А. Кац бошлиқ 30-қурилиш бошқармаси айбдор. Биринчи сентябрга деярли барча ускуналар ўрнатилиб монтаж қилиниши керак эди. Ҳолбуки, бунинг учдан бири ҳам уддаланмади. Яна, шуни ҳам айтиш керакки, уларнинг ландавурлиги оқибатида 400 минг сўмдан ортиқ давлат маблағига келтирилган мураккаб қурилмага эга бўлган бу нозик ускуналар ёғин-сочин ва очиқ ҳавода қолиб, каррозияга учраяпти. Вақт ўтгач, улар ўрнатилгани билан бефойда. Яроқсиз ҳолга келган ускуналар билан маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмаслигини тушунсангиз керак. (Унинг сўзини завод капитал қурилиш бўлимининг катта инженери М. Ниших ҳам бош тебратиб маъқуллади).

Шу пайт, дарғазаб ҳолда Абрам Кац кириб келди:

— Сизнинг гийбатларингиз жонимга тегди. Хўш, ускуналар туриб қолган бўлса, бунга биз айбдор-ми?

— Ким айбдор?! — Хитоб қилди Михаил Федорович. Абрам Кац бармоқларини буниб санай кетди:

— Биринчидан, завод дирекцияси. иккинчидан «Энергомонтаж» бошқармаси. учинчидан «Главташкентстрой»га қарашли биринчи механика ремонт заводи, тўртинчидан «Промвентиляция» ташкилоти раҳбарлари айбдор. Чунки, сизлар ускуналар туркумини бир тартибда ўз вақтида етказиб беролмадингиз, уларни ёғин-сочиндан асраш талабларини кўрмадингиз. Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Энергомонтаж» (бошлиғи В. Гусев) ишчилари бу объектда ишни чала ташлаб бошқа қурилиш объектига жўнаб кетишди. «Промвентиляция» қурувчилари эса белгиланган муддатда иш бошлашмади. 1-механика ремонт заводи ваъда қилган металл конструкциялар қачон қўйимизга текан эмас. Энди тушунгандирсиз?

— Нега ўзингизни четга олиб қочяпсиз ўртоқ Кац?

— Айбимизни тан оламиз. Тўғри, химия фармацевтика заводидаги қўшимча корпуслар қурилиши бўйича ўтган 8 ойлик планни 30 процент бажарганлигимиз сир эмас. Ишимизнинг юришмаётганлигига сабаб, бизга металл етказиб берилишининг ёмон аҳволдалигида. Бу борада бешинчи қурилиш трести раҳбарлари оқсаяпти. Бунга ҳам биз жавобгармизми?..

Зах ва очиқ ҳавода ранг бозиб, бўёғи чатнаб, хокисор бўлиб ётган қариб ярим миллион сўмлик ускуналар ана шундай саксалоник қурбони бўляпти. Қани энди бу шўрликларнинг ҳам уларнинг бошига шу савдони солган химия фармацевтика заводи ҳамда 30-қурилиш бошқармасининг раҳбарларидек узун-узун тиллари бўлганда гапирадиган гапларини билишардику-я!...

Эл-юрт пешанаси тери билан тўйинилиб йиғилган маблағ эвазига келтирилган бу қиймматбаҳо ускуналар жонхаёри ҳам топилиб қоларі..

Ҳ. ҚОДИРОВ.

Фотомухбиримиз А. Тўраев олган бу суратда Тошкент химия-фармацевтика заводининг янги корпуси қурилаётган шўрвазорда хору зор бўлиб ётган қиймматбаҳо ускуналар тасвирланган.

ВЦСПС ПЛЕНУМИДА

ВЦСПС пленуми 10 сентябрда Москвада ўз ишини тамомлади. Пленум қатнашчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига завод, фабрика, ташкилотларнинг коллективлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Пленумда қилинган докладлар ва музокараларда ўқтириб ўтилганидек, Ленин юбилейи шарафига бошланган мусобақа шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларини қамраб, чинакам умумхалқ мусобақасига айланиб кетди. Саноат корхоналари коллективлари, қишлоқда ҳўжалиги ходимларининг куч-ғайратлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариб бўлишга қаратилгандир. Совет қишлари шоҳли саҳани меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Мусобақани ташкил қилишдаги камчиликлар ҳам айтиб ўтилди ва шундай тақлифлар киритилдики, уларнинг амалга оширилиши юбилей мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС Раиси А. Н. Шелепин нутқ сўзлади.

Пленум яқдиллик билан қабул қилган қарорда касаба союз ташкилотларининг социалистик мусобақага раҳбарлик қилишларини янада яхшилашга қаратилган кенг ва конкрет программа белгилаб берилган.

Касаба союз ташкилотларига саноат, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо-сотиқ корхоналари, колхоз, совхоз ва ташкилотлар коллективлари орасида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг ленинча юбилей Фахрий ёрлиғини олиш ҳуқуқи учун, ишчи, колхозчи, халқ хўжалиги мутахассислари, жамоат ташкилотларининг ходимлари, фан ва маданият арбоблари орасида эса, «Шавкатли меҳнати учун. Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаб» юбилей медалини олиш ҳуқуқи учун курашни кенг қулоч ёйдирмоқ тавсия этилди.

ВЦСПС пленуми шаҳар ва қишлоқларнинг барча меҳнаткашларини социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришга, меҳнат унумдорлигини сабот билан юксалтириб боришга, маҳсулот сифатини бутун чоралар билан яхшилашга ўчақиди. Шонли Ленин саманасигача қолган ҳар бир кун, дейилади қарорда, беш йиллик планларини муддатидан илгари бажаришда зардоб меҳнат куни бўлиб қолсин!

(ТАСС).

ҚУЁШЛИ ҚИРҒИЗИСТОН АДАБИЁТИ

Т. АБДУМЎМИНОВ,
Қирғизистон Ёзувчилар союзининг ранси

◆ ◆

Биз Қирғизистонни, аждодларимиз юртини севамиз ва у билан фахрланамиз. Ўлкамизнинг фуқуноқ гўзаллиги билан фахрланиш лозим. Лекин биз Қирғизистон социалистик миллатларнинг аҳил оиласида муносиб ўрин эгаллагани билан айниқса фахрланамиз. Республикамиз саноати ва қишлоқ хўжалиги, фан ва техникаси муваффақиятлари ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Бу муваффақиятларимиз Ватанимиздан ташқаридаги мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур, уларнинг ҳаммасини қирғиз мўъжизаси дейишади.

Мен фақат мана шу қирғиз мўъжизасининг кўринишларидан бири — профессионал қирғиз адабиётининг тарихда мисли кўрилмаган юксалиши ҳақида гапирмоқчиман. Ўлуг Октябрнинг дастлабки йилларида туғилган бу адабиёт бир авлод кўзи олдида ўз овозига эга бўлдики, бу овоз Ватанимиздагина эмас, балки ундан ташқариларда ҳам янгради. Адабиётимиз қардош совет адабиётлари қаторида мустаҳкам ўрин олиб, ўзининг яхши анъаналарини яратди. Истеъдодли прозаиклар, шоирлар, драматурглар, танқидчилар ва таржимонларнинг жуда катта туркуми вояга етди.

Қирғиз адабиёти қуруқ ерда эмас, балки самарали тупроқда, унумли жойда ўсиб-улғайди. Қаҳшоқ, лекин меҳнатсевар ва меҳнаткаш халқ, душманлардан тинимсиз ўзини ҳимоя қилиб келган жангчи халқ кўшиқни яхши кўрарди. Халқимизнинг яхши ҳаёт, порлоқ толе ҳақидаги умид-орзулари кўшиқда мужассамлашган. У баҳодирларни мадҳ этиб кўрқоқлар устидан кулган. Кўшиқларда халқимизнинг муҳаббати ва нафрати, шодлиги ва қайғуси, қирғизнинг соф, очиқ қалби ўз акси топган.

Табиийки, «Манас» каби ажойиб дурдонани яратган халқ қирғизларнинг ақлли ва қалбини забт этган Тўхтагул сингари истеъдодли оқинларни етиштирди.

Улуг Октябрь меваларидан баҳраманд бўлган кўшиқчи, шоир-халқимиз замонамизнинг илғор ғояларини тараннум этувчи, замондошларимизнинг ҳис-туйғуларини ифодаловчи адабиётни яратиши лозим эди. 1924 йил ноябрь ойида Тошкентда «Эркин тов» номли биринчи қирғиз газетаси босилиб чиқди. Мана шу газетада Тошкентда ўқиётган ёш шоир Али Тўқимбоевнинг «Октябрь йўлидан» сарлавҳали шеъри босилди. Бизнинг ёзма адабиётимиз шу шеърдан бошланади дейиш мумкин.

Шундан сўнг чала савод бўлса ҳам лекин тугма истеъдодлар, кечаги чорвадорларнинг фарзандлари турли йилларда, турли йўллар билан адабиётга кириб келишди. Турлича овозли бу кишиларнинг битта умумий хислати бор эди, уларнинг ҳаммаси ижодий маҳорат сирларини ўрганишга, давр воқеаларини ёрқин ва бутун мураккаблиги билан акс эттиришга интилишарди.

Адабиётимизнинг бошловчилари қардош халқлар — рус, ўзбек, татар, қозоқ ва бошқа қардош халқлар адабиётларининг тажрибасидан ўрганишди. Улар ана шу адабиётлардан сюжет қуриш маҳоратини, янги ҳодисаларнинг мазмуни моҳиятини ҳаққоний ва бадиий тарзда тасвирлашни, инсон характерини, унинг шодликлари ва қайғуларини, унинг ҳозирги куни ва келажагини самимий ҳикоя қилишни ўрганишди.

Дастлабки қирғиз адибларининг севган ва кенг тарқалган жанри поэзия эди. Уларнинг ҳаммаси ижодини шеър ёзишдан бошлашди. Бу ажабланарли эмас. Лекин ҳаёт ёзувчилардан бадиий проза ва драматургия санъатини ўрганишни талаб қиларди. 1926 йилда босилган дастлабки қирғиз насрий асари — Қосимали Байқаниновнинг «Аждар» қиссаси катта муъаффақият қозонди ҳамда рус, инглиз, немис, француз, чех тилларига таржима қилинди. Шундан сўнг қирғиз прозасида М. Элибоевнинг «Узоқ йўл», Т. Сидиқбековнинг «Кенг — суд» ва «Темир», К. Жонтошевнинг «Канибек» романлари пайдо бўлди.

Қирғиз адабиёти М. Тўқабоев, К. Жонтошев, К. Маликов, Ж. Турусбеков, Ж. Байқонбоев, Р. Шукурбеков, К. Эшмамбетов, О. Сорбоншев каби дастлабки драматургларига эга бўлди. Буларнинг кўпчилиги ўзи асар ёзиб, ўзи саҳнага қўяр, ўзлари ижро этишарди. Адабиётимизнинг дастлабки авлодига мансуб оқсоқол ёзувчилар ўз ижодларини ана шундай бошлаган эдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ёшларга хос самимият ва ғайрат билан ижод қилишяпти. Тўхтагул номли Давлат мукофоти лауреати А. Тўқимбоев «Тонг олдидан», «Тўхтагул» романларини, «Жарохатли юрак», «Днестр чуқур денгизга оқади» қиссаларини, «Мангулик уруғлари» тарихий драмасини яратди. Халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Т. Сидиқбеков қирғиз адабиётини «Тоғлар орасида» романи ҳамда «Батийна» трилогияси билан бойитди. Қ. Байалинов Европа ва Осиё ишчиларининг дўстлиги ҳақида «Қардошлик» роман-дилогиясини ёзди.

Республика халқ шоирлари Т. Уматалиев, Қ. Маликов, А. Тўхтамишов, С. Сасиқбоев, Н. Бойтемиров, А. Айитбоева сингари таниқли адибларимиз янги-янги асарлар яратишяпти.

Адабиётимизга кейинги ўн йил ичида кириб келган ёзувчиларнинг янги авлоди қирғиз прозаси, шеърияти ва драматургияси асосчиларининг анъаналарини ижодий давом эттириб, янада бойитдилар. Ана шу авлодга мансуб санъаткорлардан бири Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти лауреати, халқ ёзувчиси Чингиз Айтматовдир. Бу улкан санъаткорнинг ижоди адабиётимизда янги саҳифа очди дейиш мумкин. Унинг асарларида ҳаётимизнинг турли қирралари, сахий қалби, матонатли кишилар, ҳаётда янги йўлдан борувчи юрак амрига, жамият олдидаги бурчига амал қилувчи кишилар ранг-баранг бўёқларда тасвирланган. Ч. Айтматовнинг «Момо ер» ва «Алвидо Гулсари» қиссалари катта шуҳрат топди.

Ёш қирғиз прозаиклари ҳам адабиётимизни янги қизиқарли асарлар билан бойитмоқда. Булар орасида Ш. Бейше-

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

Тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентда «Интурист» меҳмонхонаси қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди. 4-қурилиш трестига қарашли 19-бошқарма бинокорлари пардозлаш ишларини жадаллик билан олиб бораётирлар.

У. МУҲАМЕДОВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК АРТЕЛИ НАМУНАЛИ УСТАВИ МУҲОКАМАДА

ОЛТИАРИҚЛИКЛАР ТАКЛИФИ

Охунбобоев номли колхозининг клубига яқинда Олтиариқнинг барча томонидан одамлар йиғилди. Улар колхозчиларнинг район йиғилишига қишлоқ хўжалик артелларидан юборилган вакиллар эди. Қишлоқ хўжалик артели янги Устави лойиҳасининг муҳокамаси ва область конференциясига вакиллар сайлашга бағишланган йиғилишни Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Ўрток Мирзаматов очди. Президиум столидан энг ҳурматли кишилар жой олган. Уларнинг орасида колхозчиларнинг Бутуниттифоқ иккинчи съезди қатнашчилари Жаббор Холиков, Йўлдошбой Мақсудов, меҳнат ветерани Эргашбой Гадойбоев ва колхоз тузумининг бошқа ташкилотчилари бор. Биринчи масала юзасидан райижроком раиси А. Маматхонов доклад қилди.

Бундан қирқ йил муқаддам,— деди докладчи,— бизда дастлабки колхозлар ташкил этилган эди. Бугун артель янги Устави лойиҳасини муҳокама қилиш билан бирга, колхозларимиз қирқ йил мобайнида босиб ўтган йўлга назар ташлаймиз, унга якун ясаймиз.

Бундан қирқ йил илгари районимиз территориясидаги 5 мингга яқин якка хўжаликлар бирлашиб, 96 та колхоз ташкил этишди. 1950 йилга келиб мавжуд колхозлардан 33 та йирик қишлоқ хўжалик артели ташкил топди.

Юксалишимизнинг кўламини кўрсатиш учун бир қатор факт ва рақамлар келтираман. 1957 йилда колхозларимизда ҳаммаси бўлиб 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 405 та трактор бор эди. Эндиликда тракторлар сони 1424 тага етди. Колхозларда 266 та терим агрегати бор. Юк автомобиллари сони шу давр мобайнида олти баравар кўпайди. Агар 1930 йилда экиноорлар бор-йўғи 10 минг 700 гектарни ташкил этган бўлса, ҳозир 25 минг 400 гектардан ошиб кетди. Биргина кейинги беш йил ичида 3368 гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Районимиз далаларини сув билан таъминлаш тобора яхшиланмоқда.

Пахта етиштириш 1950 йилдаги 21 минг 332 тоннадан 1968 йилда 49 минг 260 тоннага ошдирилди. Гектаридан олинадиган ҳосил 21 центнердан 25 центнерга етди. «Ленинобод», «Ўзбекистон», «Партия XXII съезди» Охунбобоев номли, Жданов номли колхозлар эса бултур ҳар гектардан 26-29 центнерга етказиб хирмон кўтардилар.

Қишлоқ хўжалик артелининг янги намунали Устави лойиҳасида жуда тўғри айтилганидек, колхознинг жамоат хўжалиги — колхозчилар оладиган даромадларнинг асосий манбаидир. Бундан саккиз-тўққиз йил муқаддам колхозларнинг йиллик пул даромади 7 миллион сўмга ҳам етмасди. Бўлтўр улар 17 миллион 478 минг сўм даромад қилишди.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездига делегатлар сайлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, 17 та колхознинг ҳаммасида артель аъзоларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди.

Музокаралар бошланди. **Минбарда «Комсомол» колхозининг раиси Рўзимат Раҳимов.**

— Бизнинг колхозимиз,— дейди Раҳимов, — Марказий Фарғонада 1953 йили ташкил топди. Дастлабки йили пахта майдони 250 гектардан, ҳосилдорлик 12 центнердан ошмаган эди. 50 минг сўмга етар-етмас даромад олган эдик. Ўтган йили 960 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 26 центнер пахта топширдик. Ялпи ҳосилнинг 65 процента машиналар билан йиғиштириб олинди. Даромадимиз 1 миллион 300 минг сўмни коралаб борди. Бир киши-кунининг қиймати 5 сўм 75 тийинга тўғри келди.

Колхозимиз аъзолари номидан намунали Устав лойиҳасига киритадиган таклифларим бор. Унинг еттинчи моддасида «Колхозчининг колхоздан чиқиш ҳақидаги аризаси правление томонидан кўриб чиқилмоғи ва правление карори колхоз аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида тасдиқланмоғи керак» дейилади. Бунга **«Колхоздан кетиб қолганларни колхоз правлениесининг охирги справкаси бўлмаса, бошқа жойда уларни ишга қабул қилмаслик лозим»** деб қўшимча киритилишини таклиф қиламан. Яна шундай фикримиз бор: **мутахассисларга қўшимча ҳақ тўлашда уларнинг иш стажини ҳисобга олиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас.**

Эргашбой Гадойбоев, пенсионер, Ленин ордени кавалери.

— Менинг отам ҳам деҳқон ўтган. Аммо, пахта экиб белбоққа ялчимаган, галла етиштириб донсиз-нонсиз қолган. Ҳалол меҳнат учун иззат-икром, ҳурмат кўриш бизларгагина насиб бўлди. 1929 йили мен биринчилар қатори «Социализм» колхозига аъзо бўлиб кирдим. Бундай қилиб янглишмаган эканман. Мени звено бошлиғи қилиб тайинлашди. 1935 йилгача суринкасига ҳар гектар ҳисобига 40 центнердан пахта етиштириб бердим. Меҳнатим инобатга олинди. 1935 йили Москвага борибман, кўксимга Ленин орденини тақиб қайтдим.

Мен колхознинг янги Устави лойиҳаси ҳақида бўлаётган гапларни эътибор билан тинглаб, магизини чақиб ўтирибман. Фикримни сўрасангиз шундай: жуда улуғ иш бўлди, янги Устав колхозимиз қувватини оширади, белини бақувват қилади, колхозчининг мартабасини оширади.

«Ленинобод» колхозининг раиси Мамадамин Ғиёсов.

— Донишманд нишлар колхозни барака дарёси деб жуда тўғри айтганлар. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам яққол кўрса бўлади. Барака меҳнатдан келяпти. 1965 йилгача гектар бошига аранг 19 центнердан пахта етиштирардик. Бултур 28 центнердан ҳосил олдик. Колхозимиз кассасига келиб тушган пул 1965 йилги 912 минг сўмдан ўтган йили 1 миллион 606 минг сўмга етди.

Устав лойиҳасининг 35-моддасига қўшимчамиз бор: **меҳнат интизомини ёки колхоз уставини бузганлиги учун жазо чораси олган, танбеҳ ёки хайфсан эълон қилинган колхозчини бошқа жойда суриштирмай-нетмай ишга қабул қилавермаслик лозим.**

Иккинчи таклифим бригада бошлиқлари масаласида. **Бригада бошлиқларининг бундан буён мутахассислар составига киритилишини маъқул деб ҳисоблайман.**

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ иккинчи съезди қатнашчиси Йўлдошбой Мақсудов янги Устав лойиҳасидаги пенсионерларга ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик билдирди.

Колхозлар вакилларининг район йиғилиши активлик билан ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсаддинов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари О. Ҳакимов ўртоқлар қатнашдилар. Йиғилишда колхозчиларнинг область конференциясига 80 делегат сайланди.

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛДИ:

Шу йил ноябрь ойида Москвада колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезди чақирилиши ва унда муҳокама этиб қабул қилинадиган қишлоқ хўжалик артели янги Уставининг лойиҳасини қизғин маъқуллаймиз.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съезди ва Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига мусобақани янада авж олдирамиз.

Она-Ватанга бу йил пландаги 48 минг ўрнига 50 минг тонна пахта топширамиз. Бундан ташқари, 5176 тонна дон, 7382 тонна полиз экинлари маҳсулоти ва сабзавот, 1250 тонна гўшт, 3975 тонна сут, 970 миллион дона тухум етказиб берамиз.

Давлатга олинган юксак мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш йўли билан колхозларнинг пул даромадини пландаги 23 миллион ўрнига 26 миллион сўмга етказамиз.

Қарор йиғилиш қатнашчилари томонидан якдиллик билан қабул қилинди.

А. МИРЗАЕВ,

Фарғона область «Коммуна» газетасининг редактори.

Э. ОТАБОЕВ,

шу газетанинг ходими.

Ўзбекистон ССР областларида дағал хашак жамғариш ва силос бостиришнинг бериши тўғрисида 1969 йил 11 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Минг тонна ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — дағал хашак жамғариш плани, учинчи устун — тайёрланган, тўртинчи устун — планнинг бажарилиш процента, бешинчи устун — силос бостириш мажбурияти, олтинчи устун — бостирилган силос, еттинчи устун — мажбуриятнинг бажарилиш процента.

Тошкент	198,5	169,8	85,5	350,0	264,3	75,5
Сирдарё	186,3	169,4	90,1	235,0	213,7	90,1
Фарғона	148,7	120,2	80,8	350,0	222,2	63.5
Наманган	118,7	118,3	99,7	310,0	147,9	47,7
Андижон	126.6	108,1	85,2	275,0	141.8	51,6
Самарқанд	360,0	390,2	108,4	340.0	165,9	48,8
Бухоро	290,5	310.9	107,0	250,0	61,2	24,5
Қашқадарё	248,0	280.1	112,9	180,0	145,7	80,9
Сурхондарё	255,8	263,9	103.2	220,0	116,9	53,1
Хоразм	115,6	102,0	88,2	250,0	97,0	38,8
ҚҚ АССР	164,9	127,0	77,0	242,0	70,5	29,3
Республика бўйича:	2213,6	2159,9	97,6	3002,0	1647,3	54,9

БУХОРО районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари ҳосил йиғиб-теримини пун сайин авж олдиришяпти. Илгор теримчилар ҳар куни хирмонга 130-140 килограммдан пахта териб тўпишяпти.

Суратда: пешқадам теримчи Н. Турсунова. Бу лобар қиз кўпмиинг килограммчилар мусобақасида пешқадамлик қиляпти.

Ш. Мўминов фотоси.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ СИЛОС

ГУЛИСТОН. (телефон орқали олинди). Райондаги «Гулистон» совхозининг чорвадорлари мол қишловига пухта тайёргарлик кўришяпти. Улар яйлов ва пичанзорлардан кўп миқдорда дағал хашак ўриб олишди ҳамда чорва моллар қишлайдиган жойларга ташиб келтириб, гарамлаб қўйишди.

Ширали озуқани мўл қилиш мақсадида экилган маккажўхори меҳр билан парвариш қилинди ва ундан мўл ҳосил етиштирилди. Маккажўхорини ўриш ва силос бостириш барвақт бошланган эди. Бу иш тез суръатлар билан олиб борилди. Натижада силос бостириш юзасидан белгиланган план ва ва ошириб ado этилди. Ҳозиргача тўпшириқдаги 6530 тонна ўрнига 8000 тоннага яқин силос бостирилди.

УФҚ

Саид АҲМАД

Саид Аҳмад «Уфқ» романининг иккинчи китобини ёзиб тугатди. Қуйида ушбу китобдан парча босаётирмиз.

* * *

Қуйиб кул бўлган, ҳар тарафидан ачимсиқ қуйиндиҳиди бурқсиб турган ҳовлида эвакуация уч кун келди-кетдини кутишди. Рисолат ўликка аваз қилиб, «вой отам» деб сочини ёзиб йиғламади. «Дадамнинг давлатини бўлиб оладиганлар бел боғлаб йиғлашсин, отамдан менга нима қолтики, йиғлайман», деб маросимга ортиқча аралашмади.

Низомжонга ҳаммадан ҳам алам қилгани шу бўлди. Оқсоқолни қабрга кўмётганларида кимдир, марҳум қандоқ одам эди, деб сўради.

Оломон бир нафас жим қолди. Қабр сукунати ҳам бир бўлди, бу сукунат ҳам бир бўлди. Охири кимдир паст овоз билан, яхши одам эди, деб айтди. Кимдир пиқ этиб кулиб юборди. Ана шундан кейин қабрга тупроқ ташлашди.

Бу — дадасининг дунёга келиб қилган ишига, яшаган умрига берилган совуққина баҳо эди.

Фотихага келиб кетганлар орасида ўзига ўхшаган ирқит кишилар ҳам бор. Низомжон бировга аралашмай бир чеккада ўтирар, чой ташиб супанинг четида совуққина ўқилган фотихага қўл кўтарарди.

Қандай яшамаслик, умрни қандай ўтказмаслик тўғрисда каттакон театр қўйилаётибди-ю, одамлар келиб бу томошадан ўзларига хулоса чиқазиб кетаётганга ўхшарди.

Маросимнинг учинчи куни кеч пайти паранжили бир хотин келиб Низомжонни четга чақирди.

— Дадангиз сотиб бераман деб олтин болдоғимни олган эдилар, шуни берсангилар.

Низомжон ҳайрон бўлди. Ҳали шу учтўрт кун ичида бир оғиз ҳам гаплашмаган акасининг олдига борди.

— Манаву хотиннинг гапи бор экан.

Аъзамжон хотинни йўлакка опчиқиб гаплашди. Улар қандоқ гаплашишди, акаси нималар деди, Низомжон билмайди. Аммо хотиннинг қарғаб чиқиб кетаётганини ҳамма эшитди.

— Худоё гўринга тўнғиз кўп, дўзахда қуйиб кул бўл! Болаларингнинг азасига буюрсин, жувонмарг!

Низомжон титраб кетди. Одамлар бирдан жим бўлиб қолишди. Аъзам у хотиннинг орқасидан мушт ўқталиб югурди. Низомжон бўлса бошини қуйи экканча этигининг учидан кўз узолмай қолди.

Одамлар тарқаб кетишди. Қоронғи тушди. Қўшни уйда чироқлар ёнди. Ака-ука ҳам бир-бирига чўрк этолмай ярим қоронғи, куйган, кул бўлган ҳовлида қимирламай ўтиришарди.

Эшикдан кўшни хотин кирди.

— Вой, нима қилиб чироқ ёқмай ўтирибсизлар. Ўлик чиққан уй бу. Арвоҳлар чиқиб қолмасин, ёруғ бўлсин, завол пайти-я! Чироқни ёқиб қўйинглар. Рисолат ўлгур билмайдими шуни.

Хотин қамишга пилик ўраб мой томизди, кейин гугуртда ўт олдириб айвон четига қўйди.

Алламаҳалгача ака-ука шу алпозда қимирламай ўтиришди. Охири Аъзамжон ўрнидан турди.

— Ука, менда қанча гинаир бўлса, у ўз йўлида. Бафурма гаплашармиз. Сен билан биз шу отанинг боласимиз. Ота васияти сен билан менга қонун. Тур ўрнингдан, кетмонни олиб кел!

Низомжон қимирламади.

— Бор, олиб кел деяпман, нодон!

Низомжон ҳамон қимирламасди.

Аъзамжон ярим нураб тушган ўтинхонадан кетмон олиб келди-да, тут тагига келиб хали тупроғи унча қотмаган ерга қаради. Қаради-ю, юраги шув этиб кетди. Назарида, бу хазинани кимдир очгандек туюлди. Оқсоқол бундан тўрт кун аввал очиб ичидагиларни шамоллатганидан у хабарсиз эди. Опам келиб ковлаб олиб кетган бўлмасин, деган ваҳима билан шошиб кетмон урди, юмшоқ ердан беш-олти кетмон тупроқ тортгандан кейин кетмон тиғи нимагадир қирс этиб тегди. Аъзамжон жинчироқни олиб келиб, қўли билан тупроқни тимискилаб ўнтача мусулмон ғиштини олди. Бир пасдан кейин ўртача бир сандиқни судраб чиқарди.

— Кел, кўтаришиб юбор.— Аъзамжон терлаб кетган, ҳансирарди. Укасидан садо чиқмаган, кучаниб сандиқни судраб айвонга олиб чиқди. Сандиқ оғзида ковушдек қулф бор экан. Шошиб борибсамовар олдидан теша олиб келди-ю, иккиучи уришда зулфини суғуриб ташлади. Қопқоқни очиб тепасига чироқ тутди.

Аъзамжоннинг чироқ тутгач қўллари қалтирар, ўзи ғандиракларди.

— Низом, Низом, — деди ҳайрат ва қўрқинчда У шундай дерди-ю, сандиқдан кўзини узолмасди.

Шу аҳволда Аъзамжон беш-ўн дақиқа туриб қолди. Охири ўзини ўнглаб, сандиқ тутқичидан судраб ичкари уйга олиб кирди.

Том ёнғинда ўпирилиб тушган, жанозада келганлар ўтириши учун ичи тозаланиб қурум аралаш сомонли тупроқ кетмонда етказилган эди.

Аъзамжон югуриб ҳовлига тушди, ҳеч қаёққа қарамай кўча эшикни занжирлаб ичидан тамба қўйиб келди. Кейин Низомни қўлидан судраб ичкарига олиб кирди. Айвонда қолган жинчироқни токчага қўйди.

— Қара, манавиларни кара, ука!

Низомжон сандиқ ичига қаради. Тепадан тушиб турган ой нурида липиллаётган жинчироқ шуъласида сандиқ ичи ғандайдир сирли манзара кашф этган эди.

Ака-ука шу ота билан бир уйда яшаб шунчалик катта хазина борлиғини билишмаган эди. Ота қуйгандан кейин ҳужрадан судраб чиқилган ярми қуйиб ҳеч нарсага арзимайдиган бўлиб қолган буюмлар катта бир магазинда ҳам топилмас эди. Ота бу молларни уруш йиллари рўзғорда танглик кўрган кишилардан сув текин тушириб олганди. Ховли четида ярми, ўртаси, чети қуйган саккиз қаватли гилам, тунукага ўхшаб қолган ўттиздан ортиқ мол териси, йиғирматача хиром, амиркон, тўйўчирувчилар сув сепганда, бўёғи бир-бирига тўйиб кетган эллик тўпга яқин атлас, қоракўл терилар... Ҳаммаси янги яроқсиз буюмга айланган. Мана бу сандиқда қишлоқ аҳли у ёқда турсин, бутун шаҳар ҳайратда қоладиган олтин-кумушлар, қимматбаҳо тошлар, марваридлар, пачка-пачка пуллар...

Аъзамжон шошиб пулларни сандиқдан чиқазарди. Юз сўмликлар, эллик сўмликлар юзтадан қилиб бели боғланган. Сандиқда салкам бир миллион сўм пул бор эди. Низомжон пулларга совуқ назар ташлаб турарди. Аъзамжон шода-шода марваридларни, пахтага ўралган бриллиантларни ола бошлади. Акаси кетма-кет қиймматбаҳо тилла зираклар, билакузукларни оларкан, Низомжон бенкиёр сандиққа энгашди. Сандиқ четида иккита ингичка тилла билакузук турарди. Низомжон шошиб уни қўлига олди. Олди-ю, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Билакузукларни кўзи олдига олиб келиб тикилди. Неғадир ҳиддади. Бу билакузуклардан онасининг ҳиди келаётганга ўхшарди.

Бу билакузук онасиники эди. Низомжон бирдан болалигини эслади. Ҳали янги йўлга кирган гўдак экан, она бағрида эркаланар унинг қўлидаги шу билакузукларни ўйнарди. Она қўлида ухлаб қолган пайтларида болдирига, куракларига шу билакузукларнинг изи тушиб қоларди. Орадан қанча йиллар ўтиб, Низомжон мактабга қатнай бошлаганида негадир ўша билакузукларни эслаб она билагига қарарди. Ушалардан фақат биттасигина қолган эди. Низомжоннинг билгиси келиб сўради:

— Ая, билакузугингизнинг биттаси қаёқда?

Аяси афсусли бир оҳангда деган эди:

— Болам, сен ёш пайтингда қаҳатчилик бўлган эди, даданг сотиб бир қоп ун олиб келган эди. Ўлмай қаҳатчиликдан ўтиб олганмиз.

Иккинчи билакузукни дадаси қирқ иккинчи йилнинг бошида онасининг билагидан чиқариб, бозорга оборибсотиб келган эди. Буни Низомжон яхши эслайди. Мана, ўша билакузуклар. Дедак, дадаси уларни сотмаган. Ёнида шунча пули бўлатуриб, хотинининг билакузугига қасд қилган.

Шу топда, қуйиб кул бўлган уй харобалари ичида, олтин-кумушлар тепасида туриб, Низомжон онасининг мунгли, тирикчилик азоблари ғижимлаб ташлаган юзларини, ҳамиша ўйчан, ҳамиша ғамгин кўзларини, тўй-ҳашамларга, маъракаю зиёфатларга киядиган атиги биттагина сатин кўйлагини эслади.

Мана, хотинини ямоқ-ясоққа ўраб йиқкан атласу кимхоблар, қуйиб ётибди. Мана, онасининг онасидан қолган ёдгор билакузуги...

Низомжоннинг кўзидан тирқираб ёш отилиб чиқди. Узини тутолмай аламситам билан йиғлаб юборди.

Аъзамжон ҳеч нарсани ўйламас, эсанкираган, ўзини унутган эди. Унда шу топда ота қони тупирган, пуллар олдида, олтину кумушлар, марвариду ёқутлар олдида жиннига ўхшаб гоҳ ижьяю, гоҳ аллақандай ваҳший товуш чиқараверди.

Охири Аъзамжон чарчаб сандиқ четига ўтирди. Қуядори бўлиб кетган қўлларини шимига артиб, билаги билан пешана терларини сидирди:

Ака-ука бир-бирларига қарамай, анча вақтгача индамай ўтиришди. Четларидан қамишлари осилиб колган кора девордан ой нари кетди Жинчироқ ҳам лип-лип қилиб сўнди. Низомжон қўлидаги она билакузугини кисмлаганича ўтираверди. Узоқ ёқиндан хўрозлар чақира бошлади. Осмони заминда узун қуйган симдек нурли чизиқ тортиб юлдуз учди.

Аъзамжон ташқарига чиқиб кетди, нималарнидир тараклатиб анча вақтгача овора бўлди.

Низомжон ўтирган ерида изтироб оловида куйиб, жизғинак бўлиб болалигини, онасини, шу ҳовлида кечган ҳам аламли, ҳам гўдак шодликларини эсларди.

Низомжон оте бағрида яйрамаган эди. Дадаси кечқурун бозордан қандайдир асаб кириб келарди. Низомжон эркаланиб истиқболига отилган пайтларда дадасининг биринчи айтган гапи шу бўларди:

— Нари тур!

Шунда марҳум онаси:

— Бери кел, болам, даданг чарчаб келганлар, — дерди.

Низомжон бошини икки елкаси орасига қисганича онасининг олдига қайтиб келарди-да, мунғайиб ўтирганича ухлаб қоларди. Эрталаб уйғонганда дадаси эски-туски тўла қопини орқалаб чиқиб кетаётган бўларди. Бўйи чўзилиб тенгқурлари қатори кийинги, эсалгиси келган пайтларда ҳам дадасига кийим тўғрисида оғиз очмасди. Дадасининг ғеҳлиги йўқ эди. Шунда онаси: қўй, болам, даданнинг қаттиқлиги қурсин, ямоқ бўлса ҳам устинг бут-ку, шукур қилгин дерди.

Мана, Низомжон кап-катта йигит бўлди, ўз йўлини ўзи топиб кетди. Пул топиб рўзғор тебрата бошлади Ҳалигача янги шим, янги этик кийгани йўқ. Ҳар ойнинг бошида опаси бориб, дадам очдан ўляпти, қари отангни шундоқ зор қақшатиб қўясанми? деб топган-тутганини юлиб келарди.

Уйланганига икки йилдан ошди, орттириб Зебихонга хали биронта янги кўйлак олиб берилгани йўқ. Бечора Низомжон топганини шуларга едириб, шуларга кийдириб ўтирибди

Бу уйда икки киши пул топарди. Бири — дадаси Иноят оқсоқол, иккинчиси — опаси Рисолат. Рисолат топганини сандиқчасига яширарди Дадасининг пулини ҳеч ким, ҳатто онаси ҳам кўрмаган.

Аъзамжон дадасига ҳам сўз бермасди. Топганини уйга олиб келмай, ўртоклари билан гузарда йўқ киларди. Низомжоннинг эсида, дадаси бир кун қоқ ярим кечада тутқанок тутгандан кўллари, оёклари тортишиб колди. Оғзидан кўпик чиқди. Низомжон оёғини, онаси елкасини уқалади. Чол ўзига келиши билан сапчиб ўрнидан турди-ю, Аъзамжонни ётган еридан судраб чиқиб ҳовузча лабига опкелиб орқасига бир тепди. Бола уйқуси қочмагандан довдираб ҳовузчага тушиб кетди. Чол толдан хивич синдириб унинг бошига ўзига солаверди. Аъзамжон ҳовузнинг қай тарафидан чиқиб қочмокчи бўлса дадаси ўша тарафга ўтиб саваларди. Онаси чиқиллаб эри орқасидан айланар, чол ора-сира унинг ҳам бошига чивик туширарди. Оқсокол то чарчагунча болани савалади. Чарчаб ўтирибқолди. Аъзамнинг бошарасини таниб бўлмасди. Бурун устлари, юзлари, пешаналари кўкариб, кон талашиб кетганди

Аъзамжон кейинги кунларда сал бойваччароқ юриш бошлаган эди. У дадасининг пул бекитадиган жойини кўриб колган, ҳар куни билдирмай битта-кизил ўттиз сўмликни суғириб олиб чиқиб кетар экан. Бу оқшом оқсокол пойлаган эди. Аъзамжон ҳамма ухлаганда секин ичкари уйга кириб ўзи билган ўша жойдан ўттиз сўмликни суғириб этигининг ҳўжжига яшириб, ўрнига хотиржам келиб ётган. Ана шундан кейин чол ўрнидан туриб этик қўнжидан пулни олгану, ухлаб ётган ўғлини судраб олиб чиққан.

Шундан кейин Аъзамжон анча вақтгача дадасининг пулига тегмай қўйганди. Пулга ўрганган боланинг иши кийин. У кейинчалик опасини чирқиллатадиган бўлди. Опаси йиғлар, аммо она бечора даданг билмасин, укангни ўлдириб қуяди, деб ялинарди.

Низомжон ҳозир мана шуларни ўйлаб ўтирибди. Ўйлаб карасе бу уйда у туғилиб ўсган шу уйда фақат пул жанжали, мол жанжалини кўрибди. Мухтожликдан бошқа нарсани билмапти.

Низомжон атрофга қаради. Гонг отиб келарди Аламлар, кўз ёшлари, мухтожликлар, хўрликлар. қаҳратлар билан бирга кўйиб тамом бўлган бу кўҳна уй тепасида субҳи содиқнинг енгил, жуда ҳам, енгил шабадаси эсиб ўтарди

Қуйиб кул бўлган уй харобаси устида оппоқ тонг отиб келарди.

Ташқаридаг машина овози эшитилди. Аъзамжон бундан уч кун олдин Қуваданминиб келган «Виллисини колхоз саройига киритиб кўйган эди Олиб келди шекилли. Аъзамжон шошиб кирди-ю, кечаси сандиқдан чиқазган пулу молларни кўпга солабошлади

— Кўтар, — деб буюрди Аъзамжон.

Низом ўрнидан турди-ю, копни кўтармади. Ховлига чиқиб кетди.

— Аҳмоқ!— деди Аъзамжон. Кейин битта копни елкага олиб, биттасини судраб кўчага чиқди.

Уёқ-буёққа қаради. Укаси кўринмасди. Жаҳл билан эшикка қулф уриб машинага ўтирди.

Ҳали кўчада одам йўқ эди. Сахархез чоллар ҳам ҳали уйғонмаган. Кўприк олдига етганда машина Низомжоннинг ёнига келиб тўхтади

— Чиқ! — деди Аъзамжон амирона товуш билан. Унинг овози ҳунук, жуда ҳам ҳунук эди

Аъзамжон укасининг елкасидан туртиб машинага олиб чиқди.

(Охири тўртинчи бетда).

СПОРТ янгиликлари

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН

СССР ва Шимолий Ирландия терма командаларининг ўтган куни ўтказилган учрашуви футбол муҳлисларида катта қизиқиш уйғотди. Белфастдаги 40 минг томошабинга мўлжалланган «Уиндзор-парк» стадионида бошланган ўйин «Олтин маъбуда» учун кураш ҳуқуқини олиш иштиёқида ёнган ҳар икки «команданинг футбол жангига айланди, деса бўлади. Аввалига майдон эгаларининг кетма-кет уюштирган ҳужумлари совет футболчиларини бир оз шошириб қўйди. Йигитлар кейинчалик ҳимояга зўр бериб, қаршиҳужумга ўтишган бўлса-да, рақиблар дарвозасига деярли хавф солиша олмади. Саноқли имконяатлар ҳам бой бериб қўйилди. Моҳир дарвозабон Яшинга лойиқ ўринбосарлик қила олган Евгений Рудаков бир неча марта командани мағлубиятдан асради. Ҳисоб эса очилмай дурачглигича колди.

САМАРҚАНДЛИКЛАР ЮТУҒИ

Пионер ва ўқувчиларнинг III Бутуниттифоқ мусобақаларининг ниҳоясига етди. Шашка бўйича Тбилисида ўтказилган 20 кунлик мусобақада республика спорт шарафини самарқандлик пионерлар — 26-мактаб ўқувчилари ҳимоя қилишди. Улар жами 49 очко тўплаб, биринчиликни олишга муяссар бўдилар. Шахсий биринчилик учун курашда шашкачилардан М. Фозилов ҳамда Э. Пилосовалар устунликка эришдилар ва Бутуниттифоқ физкультура ва спорт комитетининг кўчма совринини олдилар.

УРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Республикамизга дўстлик визити билан келган сурилнинг чарм қўлқоп устлари Тошкентда, Самарқандда ва Фарғонада ўзбек спортчилари билан ўзаро куч синашдилар. Меҳмонлар «Санъат саройи»да шунингдек, Самарқанддаги олишувларда 4:7 ҳисобида енгилишган эди. Фарғонадаги «Спартак» стадионида ўтказилган учинчи учрашув ҳам мезбонлар фойдасига 3:2 ҳисобида ҳал бўлди. Душанба куни Сурия спортчилари ўз ватанларига жўнаб кетишди.

КУБОК УЧУН КУРАШ

Тошкентда биринчи марта физкультура коллективлари командалари ўртасида мамлакат кубоги учун футбол мусобақалари ўтказилди. Бунда Тошкентнинг «Звезда» командаси Ашхобод армиячиларини қабул қилишди. «Ташавтомаш» стадионида ўтган учрашув пойтахтликлар фойдасига 1:0 ҳисобида ҳал бўлди.

«ТАШАВТОМАШ» ОЛДИНДА

«Б» классидаги Урта Осиё зонаси командаларининг мамлакат биринчилиги учун навбатдаги учрашувлари бўлди. «Ташавтомаш» футболчилари «Янгиер» командасини қабул қилди. Бунда шаҳарликлар устунликка эришиб 1:0 ҳисобида галаба қилдилар. Колган учрашувлар: «Димитровчи» — «Олой» (Ўш) 1:0 СКА (Тошкент — «Факел» (Бухоро) 6:0, «Химик» (Чирчиқ) — К. Маркс номли колхоз (Самарқанд) 0:3, «Автомобилист» (Термиз) — «Оқ олтин» (Андижон) 3:1, натижа бидан тугади. Бу ўйиндан кейин «Ташавтомаш» ва К. Маркс номли колхоз командалари пешқадамлик қилаётирлар.

«СПАРТАК» БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Украинанинг Бердянск шаҳрида волейбол бўйича «Спартак» кўнгилли жамияти Марказий Совети совғрини учун ўтказилган мусобақалар тугади. Усмирлар ва қизлар ўртасида ўтган қизғин курашда тошкентликлар юқори натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлиб, биринчиликни олиб қайтдилар.

ЧОРАК ФИНАЛ НАСИБ ЭТМАДИ

Челябинскда енгил атлетика бўйича СССР кубоги — «Известия» газетаси совғрини учун курашни давом эттираётган ўзбек спортчилари чорак финалга чиқа олмай қолдилар. Аёллар 4-эрканлар командаси 5-ўринда қолдилар.

АРМИЯЧИЛАР СОВРИН ЭГАСИ

Мамлакат хоккей командалари ўртасида «Советский спорт» газетаси совғрини учун чемпионат олдидан ўтказилган мусобақалар голиби бўлиш пойтахтнинг ЦСКА командаси спортчиларига насиб этди. Улар сўнгги ҳал қилувчи финал мусобақасида ҳамшаҳарлари динамочилар устидан 4:1 натижа билан галаба қилиб, совғрини қўлга киритдилар. 14 сентябрдан эса хоккей бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бошланади.

налиевнинг «Сарбой ўғли», Т. Қосимбековнинг «Синган қилич», Қ. Қаюмовнинг «Аган», Д. Мавлоевнинг «Мусафо осмон», Ш. Саднбақосовнинг «Қуллар», С. Умрбоевнинг «Бўрон», М. Борбугуловнинг «Овуллик йигит» сингари романлари, К. Жусубалиев, К. Жусупов, О. Даниқеев, А. Дусоқибеков, Қ. Жапаров, Б. Жақиев ва бошқаларнинг қисса ҳамда ҳикояларини кўриш мумкин. Бўларнинг кўпчилик асарлари ҳассослиги, мусаффолиги, ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни ҳурсанд қилади. Уларнинг қаҳрамонлари орамизда яшаётган, биз сингари қувонадиган, биз сингари қайгурадиган жонли одамлардир.

Жаҳон адабиёти, кўп миллатли совет адабиёти тажрибалари билан бойиган ва ўз анъаналарини яратган қирғиз поэзияси аввалгидай қирғиз адибларнинг севимли жанри бўлиб қолмоқда. Юқорида номи зикр этилган оқсоқол шоирлардан ташқари, ўрта ва кичик авлод шоирлари ҳам Қирғизистон ва унинг ташқаларида шуҳрат топди. С. Эралиев, С. Шимаев, С. Жусуев, Б. Сарнўгоев, Т. Бойзоқов, К. Акаев, М. Жонгалиев, С. Урмамбетов, Ж. Содиқов, Т. Адишева, О. Ризқулов, М. Абулқосим, О. Султонов, Ж. Мамитов, Т. Кўжамбердиев ва бошқа кўпина шоирлар турли оҳанг, турли услубда, турлича ижод қилишяпти. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳақиқий поэзияга садақат, замон руҳига, Ватанга, халқ ва партияга муҳаббат туйғулари билан бир-бирларига яқиндир. Уларнинг шеърлари эса кўпинча ўзига хослиги, ориғинал бўёқлари билан ажралиб туради.

Қирғиз миллий драматургияси ҳам гуллаб яшнамоқда. Қирғиз театр санъати усталари М. Ризқулов, Д. Қуюқова, А. Куштубоев, Б. Қидикеева, А. Бўталиев, С. Қумушалиева, Н. Қитаевлар билан бир safda Б. Жониев, М. Бойжиев, Ж. Содиқов, М. Тойбоев, Б. Умуралиев, Э. Тўхтагулов сингари янги номларнинг пайдо бўлиши бизни қувонтиради. театримизнинг эртанги куни учун ишончимизни кучайтиради.

Қирғизистонда бадиий ижод хусусиятларини, ижод заҳматларини новик тушунадиган ва ёзувчиларга самимий, оқилона маслаҳатлар берадиган истеъдодли танқидчилар ва адабиётшунос олимлар етишиб чиқди. М. Бўрбугулов, Қ. Ортиқбоев, К. Асаналиев, А. Солиев, Т. Аскаров, К. Укаев, К. Бобулов ва бошқалар ана шундай олимлар жумласидандир. Ёзувчиларимиз уларнинг баъзи аччиқ гапларига ҳафа бўлмайди, чунки бемор ни қанд билан эмас, аччиқ дори билан даволайдилар.

Республикамиз кўп миллатли ўлкадир. Бу ерда қирғиз ёзувчилари билан ёнма-ён бошқа миллатларнинг истеъдодли намояндалари ижод қилмоқда. Дунёнинг адабиётининг асосчиси Ясир Шивадо, рус шоири С. Фиксин, истеъдодли ўзбек ёшлари Т. Адашбоев, Ғ. Аб

МАОРИФЧИЛАР МИНБАРИ

(«СОВЕТ МАКТАБИ» ЖУРНАЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

◆ ◆

Республикамизда илмий-методик, педагогик журналнинг нашр этила бошлаганига 50 йил бўлди. Педагогик матбуотимизнинг 50 йиллик тарихи улуғ устозимиз В. И. Ленин томонидан асосий принциплари ишлаб чиқилган, халқчиллик, оммавийлик, ғоявийлик, ташкилотчилик традицияларини давом эттириб келаётган умумсовет матбуотининг жанговар тарихи билан ва унинг узвий қисми бўлган ўзбек совет матбуотининг тарихи билан мустаҳкам боғлиқдир. У партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигида, социалистик ҳаёт, тараққиёт талаблари асосида вужудга келди, ривожланди.

1917 йилда Туркистон ўлкасида Маориф Халқ Комиссарлиги тузилиб, халқ маорифининг янги социалистик системаси ўрнатилди, янги совет мактаблари очила бошлади. Аммо ўша даврларда иқтисодий нийнчилик, ички ва ташқи вазиятнинг оғирлиги мактаб-маорифнинг тез ривожига тўсқинлик қилиб турар эди. Мана шундай оғир вазиятда Туркистон Маориф Халқ Комиссарлиги партия ва меҳнаткаш халқ ёрдами билан маориф соҳасидаги В. И. Ленин кўрсатмаларини амалга ошира борди. Бутун куч ва имкониятларни халқ маорифининг ривожига сафарбар этди.

1918 йил августда бўлган мусулмон ўқитувчиларининг биринчи қурултойи маданий ҳаётимизда, халқ маорифи соҳасида катта воқеа бўлди. Қурултой Туркистон ўлкасида халқ маорифини ривожлантириш, мактаблар тармоғини кенгайтириш, мактабгача тарбия уйлари ташкил қилиш, мактаблар учун дарсликлар чиқариш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбияга доир адабиётлар, мажмуа-журналлар чиқариш каби муҳим масалаларда тегишли қарорлар қабул қилди. Орадан кўп ўтмай Маориф Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги «Маориф шуъбаси» томонидан «Маориф» номли илмий, фанний, таълим-тарбиявий журнал нашр этилди. Журналнинг 1-сони саккиз саҳифада, 1918 йил 1 декабрда чиқди.

Партия раҳбарлиги ва меҳнаткаш халқ оммасининг қўллаб-қувватлаши билан янги ҳаёт мустаҳкамланиб, социализм қурилишидаги барча қийинчилик, тўсқинликлар енгила борди, маданий, ижтимоий ҳаёт босқичма-босқич юксала борди. Винобарин ,ҳаёт халқ маорифини янада ривожлантириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришда янги-янги вазифаларга чорлади. Шунга кўра, педагогик журналимизнинг номи бир неча бор ўзгарди. Масалан, «Маориф», «Билим ўчоғи», «Маориф ва ўқитгувчи», «Политехник мактаб ва педагогика», «Совет педагогикаси», ниҳоят Улуғ Ватан урушидан сўнг ҳозирги «Совет мактаби» номи билан нашр этилмоқда.

Коммунистик партиямизнинг ёш авлод — янги инсон тарбияси ҳақидаги қимматли кўрсатмаларини доимо диққат марказида тутиш ва бу шарафли вазифага барча мактаб-маориф ходимларини ҳамда жамоатчиликни сафарбар этиш журналимизнинг қутлуғ тралиции-сидир. Совет мактабларида янги инсонга қандай тарбия бериш зарурлигини уқтириб, бундан 50 йил илгари «Маориф» журнали; «Бу тарбия ҳозирги кишиларда ҳақиқий гражданлар ҳам демократлар туғдирув ила баробар, унинг бутун ғайратини фақат умумиинсониятга хизмат қилурга бағласин» деб ёзган эди. Бу шарафли вазифани муваффақиятли адо этиш, таълим-тарбия ишларида совет педагогика фанининг қимматли принципларига амал қилишга чақириқ «Маориф» журналидан кейинги «Билим ўчоғи» ва бошқа журналларимизда ҳам янгради.

1924 йилга Туркистон Совет республикаси халқлари ҳаётида, халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шу жумладан, халқ маорифи тараққиётида янги юксалиш даври бошланди. Чунки, ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши туфайли шу йили Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилди. Бу, албатта, социалистик миллий маданиятимиз, маорифимиз, матбуотимиз тармокларининг янада ривожланишини тақозо этар эди. Ҳаётнинг бундай талабига кўра, педагогик журналимизнинг ҳажми, мундарижаси, тематик доираси ҳам кенгайиши керак эди. Мана шуларни ҳисобга олиб, 1925 йил январда Ўзбекистон ССР Маориф Комиссарлиги коллегияси «Билим ўчоғи» ўрнида «Маориф ва ўқитгувчи» номида кўп тиражли, кенг ҳажмли ойлик таълим-тарбиявий, фанний, ижтимоий-сиёсий ва адабий журнал чиқаришга қарор қилди.

Журналнинг мазмундор, илмий ва ғоявий жиҳатдан таъсирчан, таълим-тарбия сифатини яхшилашда кучли восита бўлишга республика партия ва ҳукумати доимо ғамхўрлик қилиб турилар. Халқимизнинг оташқалб фарзанди, марксизм-ленинизм ғояларига чексиз содиқ, етук партия ва давлат арбоби, истеъдодли педагог-журналист Акмал Икромов ва биринчи президентимиз Йўлдош Охунбобоевлар журналда ўз мақола, нутқлари билан қатнашганлар. Мана, «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1927 йил 1-2 сони, бунда уларнинг шу журналнинг учинчи йил чиқиши муносабати билан редакцияга юборган табриклари босилган. Улар шўролар ҳукуматининг дўсти бўлган зиёлиларнинг таълим-тарбия, маданий революция соҳасидаги вазифалари ҳақида, мафкура майдонида душманларга омон бермаслик ҳақида, замон билан ҳамнафас бўлиш ва доимо партия йўлидан бориш ҳақида сўзлаб, бундай ишларга журналнинг мактаб, маориф ходимлари учун тўғри йўл кўрсатиб берадиган йўлчи бўлишни ҳамма вақт унутмаслиги кераклигини уқтиргандар.

Урушдан сўнг нашр этила бошлаган ҳозирги «Совет мактаби» журнали 1918 йилда чиққан «Маориф» журналининг давоми, ворриси сифатида ўзидан аввалги журналларнинг ишини ижодий равишда кенгайтириб, давом эттириб келмоқда. У сўнгги ўн йил мобайнида маданий ҳаётда, халқ маорифи соҳасида содир бўлган янгиликлар, ўзгаришлар, юксак талаблар асосида иш олиб бормоқда.

Бизнинг педагогик матбуотимиз, журналимиз умумсовет матбуотининг жанговар отрядларидан бири сифатида ёш авлодни тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Халқ маорифи ишини яхшилаш, ёш авлод коммунизмнинг билимли, онгли бинокорлари бўлиб улғайиши билан боғлиқ проблемаларни амалга ошириш, ўқитувчилар савияси, маҳоратини юқори даражага кўтариш, уларни совет педагогикаси ютуқларидан баҳраманд қилиш каби ишларда ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Партия раҳбарлиги, халқ ишончи ва муҳаббати, республика маорифчилари, халқ ўқитувчилари, фан-маданият арбоблари, илмий-тадқиқотчилар ва жамоатчилик журналимизнинг таянчи, яқин ёрдамчиларидир. Журналимизни фақат республикамиздагина эмас, балки Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон каби қўшни, қардош республикалардаги журналхон-педагоглар ҳам севиб ўқишади.

Ярим асрлик йўлни босиб ўтган журналимиз коллективи ўзининг бутун куч, билим ва тажрибасини ёш авлод тарбияси ва халқ маорифини ривожлантиришга янада кўпроқ ҳисса қўшишга бағишлайдилар.

Ҳ. ЗУННУНОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, «Совет мактаби» журнали редакциясининг бўлим мудири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар. 9.30 — Соната №1. 9.50 — Жаҳон бир ҳафта ичида (тожикча). 10.10 — Куйлар. 11.15 — «Аҳолига — граждан мудофааси ҳақида». 11.30 — Қирғизистон композиторларининг асарлари. 13.30 — Чет эл енгил куйлари. 15.15 — «Замондошлар». 15.30 — Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадаси. 16.10 — Музикали соат (ёшлар учун). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — «Мардлик—маҳнулик» радиоочерк). 18.00 — «Совет мактаби» 50 ёшда. 18.10 — «Рус увертюраси». 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва) 20.45 — «Индустрлашган Ўзбекистон» радиожурнали (русча). 21.15 — Концерт (дала меҳнаткашлари учун). 22.20 — Концерт. 22.40 — «Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси». А. П. Чехов ҳикоялари. 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.20 — **«Абитуриент — 69»** (юқори синф ўқувчилари учун). 19.00 — Футбол. «Пахтакор» — **«Локомотив»** (Москва). Танаффус вақтида янгиликлар. 20.45 — **Пойтахтимиз меҳмонлари.**

Ўзбек тилида: 21.45 — **Телеянгиликлар.** 22.20 — **Москва. Кремль** (киноленинонма). 22.25— **Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадаси. Ёзувчи Т. Абдумўминовнинг адабий портрети.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Павел Корчагин** (бадиий фильм). 21.40 — **Ҳужжатли фильм.**

Рус тилида: 22.00 — **Паролнинг ҳожати йўқ** (бадиий фильмнинг иккинчи серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — «Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадаси. 12/IX да **Чўлпон**, 13/IX да **Манас.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Мирзо Улуғбек**, 13/IX да **Аяжонларим.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Венгер ва совет цирки артистларининг гастроллари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Тирик мурда (1 ва 2-серия)— «ЎЗБЕКИСТОН» «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 ва кеч 8 яримда). «СПУТНИК» (кундуз 2, 3, кеч 8 ва 9 да). «МОСКВА» (кундуз 3 ва кеч 7 да). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 9 да).

Хотинимнинг номуси — НАВОИЙ номли, «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 5 яримда), «СПУТНИК» (кундуз 12, 1, 5, кеч 6 ва 7 да).

Аввал сен ур. Фреди! —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Улкан севги саргузаштлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4-20 минутда).

1970 ЙИЛ УЧУН
қуйидаги журналларга

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА:

«Узбекистон агитатори»
«Агитатор Узбекистана»
«Узбекистон Коммунисти»
«Коммунист Узбекистана»
«Партия турмуши»
«Партийная жизнь»
«Гулистон»
«Саодат»
«Муштум»
«Меҳнат ва турмуш»

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари, агентликлари, алоқа бўлимлари ва тармоқлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилмоқда.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИРЛАШГАН НАШРИЁТИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
фортепьяно бўйича 4—7 синф музикачи ўқувчиларни ишлаб-чиқариш практикаси секторига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй, 6- хона, 20 сентябрга қадар соат 5 дан кеч 8 гача мурожаат қилинсин.

Узбекистон ССР Госплани ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ВА ТАРҒИБОТИ ИНСТИТУТИГА

инженерлар: механиклар, қишлоқ хўжалик механизаторлари, патентшунослар; машинистка, чизмачи-ретушёр, чизмачига шогирд, япон, немис, итальян тилларидан рус тилига таржимонлар, олий маълумотли математик

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй. Телефонлар: 4-50-23, 4-50-33.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИНИНГ АВТОБАЗАСИГА

шоферлар, автослесарлар, вулканизаторчилар, токарлар, мисгарлар, электриклар, пайвандчилар, моторчилар, аккумуляторчилар, диспетчерлар, автомобиллар ремонти ва эксплуатацияси бўйича инженерлар, ремонтчи усталар ва ремонтчи ишчилар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, кам оилалилар— ётоқхонада махсус хона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 22-уй. Телефон 4-07-72.

«ТЕПЛОЭЛЕКТРОПРОЕКТ» ИНСТИТУТИНИНГ УРТА ОСИЕ БУЛИМИГА

саноат ва граждан қурилиши, гидротехника қурилмалар, иссиқлик-газ таъминоти ва канализация, водопровод ва канализация, гидрогеология ва инженерлик геологияси мутахассисликлари бўйича инженер ва техниклар: маланали сметачи, кидириш ва лойиҳа ишларига нормаловчи-инженерлар, машинистка-лар (ишбайга), топографлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 41-уй кадрлар бўлими.

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги «УЗГЛАВВИНО» ВИНОЧИЛИК САНОАТИ БОШ БОШҚАРМАСИГА

бухгалтер, катта бухгалтер ва бухгалтер-ревизор

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Новоульяновск кўчаси, 186-уй (16-автобуснинг «Шампан винолари заводи» бекати).

«УЗГЛАВМЕТАЛЛОСНАБСБЫТ»

ҳамма ташкилот ва металл маҳсулотлари истеъмолчиларига

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ:

Ўтказилаётган инвентаризация муносабати билан «Узглавметаллоснабсбыт»нинг Республика ва Қўқон базасидан чиқиришлар йўли билан олинадиган металл маҳсулотлар берилмайди.

Чиқиришлар олиш учун 1 сентябрга ёзилган, лекин тарқатилмаган нақлиёйлар бекор қилинади.

1970 ЙИЛ УЧУН
қуйидаги газеталарга

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА:

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ»
«ПРАВДА ВОСТЎКА»
«ҲАҚИҚАТИ УЗБЕКИСТОН»
«ЛЕНИН БАЙРОҒЎЫ»
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ».

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари, агентликлари, алоқа бўлимлари ва тармоқлари, шунингдек иш ва ўқиш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинмоқда.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИРЛАШГАН НАШРИЁТИ.

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА 18 сентябрь кеч соат 6 да «ШАХТЕР» (Қарағанда) — — «ПОЛИТОТДЕЛ» командалари ўртасида

ФУТБОЛ.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи редакция ходими Д. Аюповага қизи

ДИЛРАБОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқаро ҲАЁТ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БАЁНОТИ

ПРАГА, (ТАСС). Халқаро журналистлар ҳамкорлиги куни муносабати билан халқаро журналистлар ташкилоти эълон қилган баёнотда бундай дейилади: инсоннинг ижодий кучлари тез ривожланиб бораётган ва техника мислсиз тараққий этаётган бир даврда яшаб турибмиз. Лекин, инсоннят ана шу ижодий имкониятларга қарамасдан очлиқдан, урушлардан, иқчилиқдан ва ижтимоий камситишлардан азоб чекмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида империализм ҳар қандай эркин ва тараққийпарвар фикрни бўғмоқда, гражданлик ҳуқуқларини ва инсон ҳуқуқларини поймол қилмоқда, инсониятнинг иззат-нафсини таҳқирламоқда.

Халқаро бирдамлик кунида биз барча софдил журналистларга мурожаат қилиб, Вьетнамдаги оммавий қирғинга хотима берилишига, можаро ўчоқлари ўчирилишига ҳаракат қилишга чақирамиз. Биз уларни Европа хавфсизлиги ва дунёдаги бошқа районларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлашга даъват қиламиз. Биз уларни инсон ҳуқуқлари учун, озодлик ва адолат учун кураш олиб боришга чақирамиз.

Ўз сафларида 150.000 дан ортиқ прогрессив демократ журналистларни бирлаштирувчи халқаро журналистлар ташкилоти оммавий ахборот воситаларида яшловчи ва тинчлик учун, инсониятнинг яхши келажаги ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётган барча ходимларга маънавий ва моддий ёрдам бериб келди ва бундан буён ҳам шундай ёрдамни бераверади.

ЛЮКСЕМБУРГ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЛЮКСЕМБУРГ, 10 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Люксембург Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. «Цайтунг» газетасининг хабар беришича, пленум Люксембург Компартиясининг коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвадаги кенгашида қатнашган делегацияси ҳисоботини тинглади ва Люксембург Компартияси вакилининг шу тарихий учрашувдаги позициясини яқдиллик билан маъқуллади. Пленум Москва кенгаши ҳужжатларида баён этилган принциплар ва қоидаларни изчиллик билан амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 10 сентябрь. (ТАСС). Бош министр Индира Ганди кеча Деҳлида бўлиб ўтган оммавий митингда сўзлаб: «Банкларнинг давлат ихтиёрига ўтказилиши мамлакатни социал иқтисодий революция бўсағасига олиб келди ва халқ оммасининг актив қатнашуви ҳамда ҳамкорлиги бу революцияни муваффақият билан амалга оширмоққа ёрдам беради»,— деди.

«Банкларнинг давлат ихтиёрига ўтказилиши, — деб давом қилди у, — мамлакатда бойлар билан камбағаллар ўртасидаги тенгсизлик ўсиб боришига қарши қаратилгандир». Сўнгра Индира Ганди таъкидлаб айтдики, бу ҳаракат ҳукуматнинг биринчи қадамидир.

Бугунги кунинг асосий вазифаси, деди Индира Ганди, қишлоқ хўжалиги ва саноатда ишлаб чиқаришни юксалтириш ва хусусий секторда ишлаб чиқаришнинг тўпланиб қолишига йўл қўймасликдан иборатдир.



Окинавадаги Америка ҳарбий базаларига химиявий қуроллар келтирилаётганлиги ҳақидаги хабар япон жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солди. Шу мучосабат билан Наха шаҳрининг аҳолиси намойиш ўтказди. Намойиш қатнашчилари химиявий қуролларнинг ҳамма турларини тезлик билан Окинавадан олиб чиқиб кетиш ва оролнинг ўзини Японияга қайтариб берилишини талаб қилмоқдалар. Суратда: Америка қўшинларининг Окинавага химиявий қуроллар келтираётганлигига қарши ўтказилган норозилик митинги.

ЯПС—АПН фотоси. 1969 йил август.

АССАМБЛЕЯ ТУГАДИ

АДДИС-АБЕБА, 10 сентябрь. (ТАСС). Африка бирлиги ташкилоти давлат ва ҳукумат бошлиқларининг олтинчи ассамблеяси бугун эрталаб ўз ишини тугатди. Ассамблея якунловчи мажлисида Исроилнинг Бирлашган Араб Республикасига қарши қилган янги агрессиясини қатъий қоралади. Ассамблея Яқин Шарқ танглигини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюциясига мувофиқ бартараф этишга чақирди.

Ассамблея охирги мажлисида Африка бирлиги ташкилоти маслаҳат комитетининг Нигерия юзасидан тайёрлаган резолюциясини маъқуллади. Африка бирлиги ташкилотининг резолюцияси Нигерия бирлигини сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлаб, ҳар икки томонни уруш ҳаракатларини тўхтатиб, музокара столи теварагига ўтиришга даъват этади.

Ассамблея барча ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, бутун дунёдаги ҳамма сиёсий, диний ва бошқа органларга мурожаат қилиб, ушбу резолюциянинг бажарилишига ёрдам беришга ва Африка бирлиги ташкилотининг Нигерия танглигини ҳал этмоқчи бўлиб қилаётган уринишларига зарар етказиши мумкин бўлган бирон хатти-ҳаракатдан ўзларини тийиб туришга чақирди.

УФҚ

[Бошқ учинчи бетда].

— Жинни-миннн бўлдингми, бола. Қачонгача чўлда пашшага ем бўлиб, кетмон чопиб балчиқ кечасан. Мана, мана пул, бутун умрингга бола чақаларингга етади. Қоқ ўртасидан бўламиз. Бу пуллар ўғрилик билан топилган эмас. Бу ҳалол пул. Дадам бу пулларни менинг, сенинг, онамнинг ризкидан юлиб топган. Ўзи сен билан менга васият қилди-ку!

— Менга керак эмас, — деди совуққонлик билан Низомжон.

— Вой ахмоқ, — деб эрмак қилди акаси. — Жиннивой, ахир тушунсангчи, ҳозир бизникига бориб бўлишамиз. Баббаравар бўлишамиз. Ана ундан кейин қаерни хоҳласанг, ўша ерга бориб маза қилиб яшайсан.

Низомжон акасининг кўзига тик қаради.

— Бу пулларга сен ҳам, мен ҳам теглмаймиз. Ҳозир тўппа-тўғри банкка бориб топширамиз.

— Нимааа!?

Низомжоннинг ҳали-ҳали эсида. Уруш йили звено қизлари мудофаа фонди учун бўйинларидаги марваридлари борми, бармоқларидаги узуклари борми топширишган эди. Ўшанда Низомжон бир чеккада беэ бўлиб ўтирган, бошини кўтаролмаган эди. Адолат, ҳа Низом, сен ҳам бирон нима топширмайсанми, деганида, Асрора: «Низом Жиноят оқсоқолнинг битини топширадими», деб эрмак қилган эди. Ўшанда ер ёрилмади-ю, Низомжон кириб кетмади. Ана шу хижолатни ювадиган пайт келди. Ҳозир уруш йўқ. Аммо уруш вайрон қилган ерларни тиклашга ҳар ким қўлидан келган ёрдамини бериши керак. Мана, Низомжон билан акасининг ёрдами.

Низомжон акасига ялинган оҳангда деди.

— Ака, бир мард бўлинг. Йигит кишининг моли ерда, дейдилар. Билагимизда кучимиз бор экан, ўз толеимизни ўзимиз яратайлик. Келинг, шу пуллар бузилган шаҳарларни тиклашга ёрдам бўлсин. Ҳукуматга қарашайлик.

— Ҳукуматдан қарзим йўқ, — деб тўнғиллади Аъзамжон. — Ҳукумат деб кон тўкиб келганман. Ҳукуматни девори йиқилган бўлса ўзи урсин.

Низомжон шу одам билан бир қоиндан тушганига ишонгиси келмасди.

Билиб қўй, мен бор эканман, бу пулларнинг бир тийинини ҳам томоғингдан ўтказолмайсан.

Аъзамжон уни эрмак қилиб кулди.

— МВД ўз уйимизда экан-ку, билмай юрган эканмиз. Аҳмоқ, эшшак.

Машина Марғилонга келиб қолганди. Низомжон машина рулига ёпишди.

— Бўёқка бур. Бур деяпман!

Аъзамжон укасини тирсаги билан туртиб юборди.

— Хайвонлик қилма!

— Бур деяпман!

Аъзамжон чаққонлик билан руль бурар, оёғи билан кучининг борича моторга газ берарди. Машина ўқдек учиб Заркент йўлига бурилиб кетди.

Эшик олдини супураётган чоллар, намозга кетаётганлар бесаранжом келаётган машинага четланиб йўл беришарди.

Низомжон тирсак тегиб кўкарган кўзини ишқаб, акасига ёв қараш қилди. Пайт пойлаб машина калитига чанг солдию суғуриб олди.

— Нима қиляпсан? Нима қиляпсан!

Машина йўл четига чиқиб секинлай бошлади. Низомжон қулочкашлаб туриб калитни йўл четига отди. Мотори ўчган машина ювошгина тўхтади.

Бу Марғилон билан Тошлоқ ўртасидаги овлоқ ер эди. На одам кўринади, на бирон арава.

Аъзамжон ўзини гуп этиб ерга отди-ю, укасини судраб туширди.

— Хўш, нима қилмоқчисан!

Жавобсиз безрайиб турган укасининг бетига шапалоқ тортиб юборди. Низомжон акасига мушт кўтармади. Туриб берди.

— Кетолмайсан! — деди Низомжон. — То бирон машина ўтгунча шу алпозда олиб тураман.

— Вой ахмоқе, бу машина калитсиз ҳам юраверади. Қулфининг симини бир-бирига уласанг, вассалом.

— Барибир кетолмайсан.

Аъзамжон мана, мана, деб унинг бетига шапалоқ солди-ю, кабинага кириб қулфни суғуриб олди. То Низомжон келиб ёпиш гунча симни улади-қўйди. Яна мотор гурулладн.

Низомжонга қайдан куч пайдо бўлди, ўзи ҳам билмасди. Акасининг ёқасидан бўғиб пастга тортиб ташлади. Кўкрагига калла солди. Қорнига тепди. Аммо бу калла уришлар, тепишлар барзангидек бақувват йигитга чумоли чаққанча ҳам таъсир қилмасди. Охири Аъзамжон, уриш мана бунақа бўлади, деб укасини савалаб кетди. Низом бошини қўллари билан бекитар, ўзини унинг чангалидан қутқаришга уринарди. Аммо акаси ҳайвондек ўкириб, уни савалашдан тўхтамасди. Низомжон йиқилди. Йиқилди-ю, бир инграб қимирламай қолди. Акаси унинг қовуғига ёмон тепган эди.

Аъзамжон ҳансираганча кабинага югуриб бориб сакради. Боятдан бери мотори гурилдаб турган машина жойидан қўзғолди, олдида дўнглик борлигидан орқага тисарилиши керак эди. Қимирламай қолган Низомжон мотор товушидан яна сапчиб турди, жон ҳолатда машина йўлини тўсмоқчи бўлдию, кўчанинг қоқ ўртасида маст одамдек туриб қолди. Кишнаган отдек сапчиб жойидан қўзғолган машина Низомнинг елкасидан уриб ўтиб кетди.

Низомжон йўл четидаги чангга беланган майса устига она билакузугини чангалла ганича ҳолсиз йиқилдию, кўзини юмди...

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336543. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333563. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 43—85. Бухоро 43—141. Қарши 38—42. Наманган 21—88. Нукус — 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55.

№ Б. — 213. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 03304.